

Давлат тест маркази директорининг буйруғига асосан Чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси томонидан хорижий давлатларда **Давлат тест марказининг ходимларини малакасини ошириш бўйича** кўйидаги ишлар амалга оширилди.

1) 2019 йил 7-8 февраль кунлари Давлат тест маркази биносига Британия Кенгашининг эксперти Виктория Кларк томонидан амалий семинар ўтказилди.

Семинарда саволлар базасини яратиш уларни белгиланган даражага мослигини текшириш ва таҳлил қилиш тўғрисида Давлат тест маркази мутахассисларига маълумотлар бериб ўтилди.

2) Бир неча маротаба Cambridge assessment english ташкилоти билан видео конференциялар ўтказилди ва жорий йилнинг апрель ойида Давлат тест маркази мутахассислари малакасини ошириш учун Cambridge assessment english ташкилоти икки нафар мутахассиси Тошкент шаҳрига таклиф қилинди. Бир ҳафта давомида хорижий мутахассислар томонидан амалий семинар ўтказилди.

3) Жорий йилнинг апрель ойида Давлат тест марказининг делегацияси **Германия Федератив Республикасининг** Берлин шаҳрига ташриф буюрди ва Германиянинг таълим тизими билан танишиб қайтдилар.

4) Жорий йилнинг 24-30 июнь кунлари Давлат тест марказининг ходими Н.Юсупова малака ошириш учун **Германия Федератив Республикасининг** Берлин шаҳрига Lizum институтида имтиҳон ўтказиш ва тест тузиш бўйича малака ошириб келди.

5) Жорий йилнинг 21-23 март кунлари Мексиканинг Мехико шаҳрида (**Universidad Ibero americana Ciudad de México**) биринчи маротаба Британия Кенгашининг Лотин Америкасидаги “Инглиз тилини билиш даражасини баҳолашда янги юналишларни ривожлантириш” мавзуида Форуми ўтди.

Бундай катта нуфузли тадбирда илк маротаба Давлат тест марказининг вакили Чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш бошқармаси бош мутахассиси Ойбек Ганиев ўз маърузаси билан иштироқ этди ҳамда “Чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини баҳолаш миллий тест тизимининг ривожланиш истикболлари” номли презентациясини тақдим этди. Маруза ва презентация чет мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, статистик маълумотлар ҳам Форум қатнашчиларига фаолият тўғрисида янада яхшироқ тасаввурга эга бўлишларига ёрдам берди.

6) Жорий йилнинг ноябрь ойида Давлат тест маркази делегацияси Россия Федерациясининг Рособрназор, Федеральный институт педагогических измерений, Российский Университет Дружбы Народовга тажриба алмашиш учун юборилди.

7) Жорий йилнинг ноябрь ойида Россия Федерациясининг “Мост управление изменениями” тадқиқот марказида икки нафар Давлат тест маркази мутахассиси “Ахборот хавфсизлиги” бўйича икки ҳафталик малака ошириш курсида қатнашиб қайтдилар.

8) 2019 йил октябрь ойида Давлат тест марказининг 6 нафар мутахассиси Россия Федерациясининг олий иқтисодиёт мактабида тестология бўйича малака ошириш курсида иштирок этишди.

9) Ноябрь ойида Давлат тест марказининг 6 нафар мутахассиси Россия Федерациясининг Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида Интеллектуал қобилиятни баҳолаш бўйича малака ошириш курсида қатнашдилар.

10) 2019 йил декабрь ойида Давлат тест маркази делегацияси Озарбайжон Республикасининг Миллий имтиҳон марказига тажриба алмашиш учун бориб қайтишди.

11) Жорий йилнинг декабрь ойида яна бир гуруҳ мутахассислар Буюк Британиянинг Норвич тил ўрганиш институтига малака ошириш учун юборилди.

12) Жорий йилнинг 4 февраль, 6 декабрь кунлари Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан Давлат тест маркази раҳбарияти ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди.

Учрашувда Британия Кенгаши томонидан Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори ўринбосари Ж.Гулямова қатнашди.

Жорий йилнинг 14 октябрь куни **NILE** (Norwich Institute for Language Education UK) – директори Том Киддл билан учрашув ўтказилди. Uchrashuvda boshqarma hodimlarining malakasini oshirish borasida hamkorlik rejalari. Учрашувда бошқарма ходимлари нинг малакасини ошириш борасида ҳамкорлик урнатиш масалалари кўриб чиқилди.

Буюк Британиянинг “Oxford University Press” ташкилотидан Асель Байбатирова ва бошчилигидаги делегация жорий йилнинг 14 декабрь куни Давлат тест марказига ташриф буюрди.

Учрашувда келажакдаги ҳамкорлик тўғрисидаги “Oxford University Press” таклифи муҳокама қилинди ва ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.